



MILLIY TIKLANISH

2 (434) ● 2017 йил 11 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 УзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди

"Инсон манфаатлари — олий қадрият" лойиҳаси доирасида ЎзМТДП ташкилотларида давра суҳбати ва тадбирлар ташкил этилмоқда

Қонун воситасида ижтимоий хизматлар соҳасида давлат ва жамоат назорати институти белгиланди

Фракция ҳаёти

Инсон манфаатлари — олий қадрият

уни таъминлашда ЎзМТДП фаоллари ва депутатлари фаол иштирок этади

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони масъул ходимлари ва мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Фракция йиғилишида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда партия фаоллари ва фракция аъзолари олдида турган долзарб масалалар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармони давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви идораларининг халқ билан бевосита мулоқотда бўлиши, аҳолининг барча қатлами ичига чуқур кириб бориши ва уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

> 2-бет.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз мудофаа тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Натижада жанговарлиги, тактик маҳорати жиҳатидан ҳеч кимдан кам бўлмаган тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямиз шаклланди.

Бугун ҳарбий хизмат нафақат бурч, балки садоқат, матонат ва жасорат мактаби, миллий армиямиз эса мамлакатимиз ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатидир.

Шу боис жамоатчилигимиз ҳарбийларни тинчлик-осойиш-

талиқ посбонлари сифатида эъзозлайди. 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини бутун халқимиз байрам қилади.

Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига мувофиқ, Қуролли Кучларимизнинг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни муносиб нишонлашга доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 25 йил" эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида"ги фармони Ватан ҳимоячиларига бўлган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

> 6-бет.

Миллий гурур

Яхши таълим-тарбия — саодат калити



Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатимизни янада раванқ топтириш, санъатсевар болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариши учун муносиб шарт-шароит яратилаётган.

Еш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари руҳлантириш борасида амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ишлар самарасида ўғил-қизларимиз нуфузли халқаро кўрик-танловлар ҳамда мусиқа ва санъат фестивалларида юксак натижаларни қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намоён этмоқда.

> 6-бет.

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашуви, юзма-юз мулоқоти айниқса, илм аҳли томонидан қизғин кутиб олинди. Учрашувда мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини муостаҳкамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт тараққиётига қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилгани алоҳида таъкидланди. Бироқ бугунги давр, жаҳон миқёсида кечаётган жадал тараққиёт барча соҳа қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларга фақат илм-фан воситасида ечим топиш мумкин. Мазкур соҳа ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши саналади.

Янги ғоялар тараққиётга хизмат қилади

Учрашувда фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки биз унинг воситасида табиат ҳодисалари, қонуниятлари, ҳаёт ва жамият тарихи, ривожланиши тўғрисидаги янги билимларни ўзлаштирамиз, янги ғоялар туғилади, амалиётда улар синаб кўрилади, ечим топилади. Амалий тадқиқотлар олиб борилади, инновацион ишланмалар яратилади. Натижада фундаментал изланишлар, амалий тадқиқотлар, инновация ишларидан иборат бири-иккинчисини тўлдириб борувчи яхлит занжирли тизимга эришилади.

> 2-бет.

Ташаббус натижа берди

Она тили — бебаҳо бойлигимиз

уни асраш, бойитиш ва тўғри қўллаш — қонун талаби

Тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассам этган буюк хазинадир. Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ она тилимизни ривожлантириш, давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини кучайтириш, уни нафақат расмий тил, балки миллий маданиятимизнинг ифода воситаси сифатида янада бойитиш ва софлигини асрашга алоҳида эътибор берилмаётган. Бинобарин, давлат ва жамоат ташкилотларида "Давлат тили ҳақида"ги қонун ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам.

Дарҳақиқат, она тилимизнинг беқиёс имкониятларини ўрганиш, асраб-авайлаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. "Давлат тили ҳақида"ги қонун давлат бошқарувида, ижтимоий ҳаётда, халқаро ва миллатлараро муносабатларда, ишлаб чиқаришда, судлов ишларида, нотариал ҳаракатларда, фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатларда, ахборот олиш ҳамда инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бошқа муносабатларда давлат тили ва бошқа тилларнинг қўлланилишини тартибга солиб келаётган.

Бироқ таъкидлаш керак, ўзбек тилининг давлат тили сифатида амалдаги илмий қордаларига риоя этилишида ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжуд.

> 4-бет.

Ушбу сонда:

Яхши кўшиқ — кўнгил озиғи
уни ёт таъсирлардан асраш — муҳим вазифа



> 5-бет.

Футболни миллионлар ўйинига айлантирган ташкилот



> 7-бет.

Ўзбек миллий таоми —

инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилди



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
сайтида ҳам уқин!

Фракция ҳаёти

Инсон манфаатлари — олий қадрият

уни таъминлашда ҲМТДП фаоллари ва депутатлари фаол иштирок этади

« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Фармонда кўзда тутилган чора-тадбирлар "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилни ҳаётга тўлақонли татбиқ этишнинг амалий механизмларини яратиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳофазатлари билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этишда янги босқични бошлаб беради.



— Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси ҳамда Виртуал қабулхонаси шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, ҳар бир туман ва шаҳарда Халқ қабулхоналари ташкил этилиши аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади, — деди **ҲМТДП фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев**. — Улар муҳофазатларни ўша жойнинг ўзида ва тезкор ҳал этиш имконини беради. Фармоннинг алоҳида бандида Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонага келиб тушган, тегишлилиги бўйича давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилган муҳофазатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш вазифаси белгиланган. Бу эса қабулхоналарга қилинган муҳофазатларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмайдиган тизим яратилишига асос бўлади. Айтилган давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини оширади, пировардида муҳофазатларнинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилади.

Ийгилишда фракция аъзолари тиди асосий эътиборни халқимизни ўйлантираётган масалаларга қаратиши, меъририй-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, барча виртуал қабулхоналар фаолиятида фаол қатнашиши, сайёр қабулхоналарни ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.



— Мамлакатимизда истиқлол йилларида кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаровон турмуши учун зарур шарт-шароит ва қулайликларни яратиш бориши алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда, — деди **ҲМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев**. — Биргина 2010-2015 йиллар мобайнида кексалар ва пенсионерлар учун мўлжалланган 12 та Саховат ва Мурувват уйларининг моддий-техника базасини муҳофазатлаш орқали бу

сад-вазифалар белгиланган. Бундай эътибор ва ғамхўрлик нурунийлар умрига умр қўшиш, уларнинг кексаллик гаштини суришларига янада кенг имконият яратади, юртимизда ёши улуг инсонларга кўрсатилаётган юксак эътиборни янги босқичга кўтаради.

Ийгилишда фракция аъзолари ушбу фармон Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга муштарақлиги, ҲМТДПнинг халқимиз маънавий ривожини янги босқичга кўтаради.

Ийгилишда фракция аъзолари ушбу фармон Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга муштарақлиги, ҲМТДПнинг халқимиз маънавий ривожини янги босқичга кўтаради.

Ийгилишда фракция аъзолари ушбу фармон Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга муштарақлиги, ҲМТДПнинг халқимиз маънавий ривожини янги босқичга кўтаради.

Ийгилишда фракция аъзолари ушбу фармон Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга муштарақлиги, ҲМТДПнинг халқимиз маънавий ривожини янги босқичга кўтаради.

Мухтарама КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Муносабат

« Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, соҳа мутахассислари билан иқтисодий тармоқлари ва корхоналарнинг бозор талабларига мос ўзаро манфаатли алоқаларини ўрнатиш, интеллектуал мулк бозорини кенгайтириш имкониятини яратади. Бу борада, айниқса, янги замонавий тажриба-ишлаб чиқариш, конструкторлик-технологик ташкилотлар ҳамда инновация марказлари ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга.

рабатлантириш, уларга янада кенгроқ шароит яратиш илгор, замонавий илм-фан янгиликларини яратишга туртки беради. Бунинг учун мактаб таълимни тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мутахассислар тайёрлашда ёшларнинг интеллектуал қobiliятини ривожлантирадиган дастурлар, режалар тайёрлаш ва ишлаб чиқиш лозим. Зеро, интеллектуал салоҳияти юксак инсон қайси соҳада ўқимасин, қайси соҳада фаолият юритмасин, ўз ўрнига эга

схемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида", "ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида" ги қонунларни инвентаризациядан ўтказиш, илм билан шуғулланаётган ёшларга имтиёзлар бериш ва уларни қонунларда муштахкамлаб қўйиш илм-фан ривожини таъминлашга хизмат қилади.

Учрашулда тилга олинган ва кўтарилган масалалар Ўзбеки-

Янги ғоялар тараққиётга хизмат қилади

Учрашулда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, корхоналарга янги технологиялар жорий этгани учун имтиёзлар ва преференциялар бериш бу борадаги ишлар самардорлигини оширишда муҳим қадам бўлади. Бунинг натижасида илм-фанга инвестиция киритадиган корхоналар сони сезиларли ортади, бу эса, ўз навбатида, илм-фан ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодий тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган буюртмаларга йўналтириш ҳам долзарб масала саналади.

Учрашулда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, корхоналарга янги технологиялар жорий этгани учун имтиёзлар ва преференциялар бериш бу борадаги ишлар самардорлигини оширишда муҳим қадам бўлади. Бунинг натижасида илм-фанга инвестиция киритадиган корхоналар сони сезиларли ортади, бу эса, ўз навбатида, илм-фан ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодий тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган буюртмаларга йўналтириш ҳам долзарб масала саналади.

тун "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида белгиланган таълим жараёнига замонавий истиқболли илм-фан ютуқларини жорий этиш, мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қobiliятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмаклашиш каби мақсад-вазифалар билан уйғун ва ҳамохангдир. Бу каби дастурий мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш йўлида амалга оширилган ҳар бир сайё-ҳаракат бевосита мамлакат тақдирини, унинг эртанги кунини, иқтисодий тараққиётига хизмат қилади. Илму фани ривожланган юртининг эса эртаси нурафшон, халқи турмуши фаровон бўлади.

Учрашулда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, корхоналарга янги технологиялар жорий этгани учун имтиёзлар ва преференциялар бериш бу борадаги ишлар самардорлигини оширишда муҳим қадам бўлади. Бунинг натижасида илм-фанга инвестиция киритадиган корхоналар сони сезиларли ортади, бу эса, ўз навбатида, илм-фан ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодий тармоқларидаги мавжуд муаммолар ечимига қаратилган буюртмаларга йўналтириш ҳам долзарб масала саналади.



Урол ХАЙТОВ, ҲМТДП фракцияси аъзоси

2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvida қатнашиш бўйича Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг молиявий ҳисоботи

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 15 сентябрдаги 731-сон қарорига биноан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун республика бюджетидан 958 млн. 350 минг сўм миқдоридagi маблағлар ажратилди.

Сайловолди ташвиқотини амалга ошириш учун давлат бюджетидан ташқари бошқа манбалардан маблағлар келиб тушмади. Бюджетдан ажратилган маблағлардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилди:

№	Харажатлар номи	Молиялаштирилган маблағ (сўм)	Харажатлар (сўм)
1.	Республика ҳудудидagi хизмат сарфлари	30 000 000	906 050
2.	Босма, кўргазмалар, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш	763 350 000	524 431 720
3.	ОАВ, шу жумладан телевидение, умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари (шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи) орқали ташвиқот	165 000 000	156 485 100
Жами		958 350 000	681 822 870

Давлат бюджетига қайтарилган маблағлар – 276 527 130 сўм. Ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 15 сентябрдаги 733-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлоvida тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага мувофиқ ҳолда шакллантирилди.

ҲМТДП Марказий кенгаши Ижроия кўмитаси

